
Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1979 6

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг **Л. И. Брежневга** Ленин мукофоти бериш тўғрисидаги қарори 3

1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

Л. И. БРЕЖНЕВ. Болалар — бизнинг келажагимиз 5

Р. Толипов. Энг катта гул, Кўнгил. **М. Ёқубова.** Қуёш, Жиянимга. **Д. Матжон.** Баҳс, Артек. **Ж. Раҳим.** Суҳбат. **Ш. Саттор.** Бола қалби. Шеърлар 6

С. Ғафуров. Ҳакимжон ўзига баҳо берди. Жумбоқ ҳикоя 11

У. Усмонов. Гирдоб. Роман. Давоми 13

С. Акбарий. Хаёлим ҳисларни ёқади. Шеърлар 87

С. Карокатов. Олтин қум. Роман. Охири 91

Б. Бойқобилов. Кун ва тун. Шеърий қисса 176

ОЧЕРКЛАР

К. Волков. Оталар ери 186

ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ш. Турдиев. Ҳамза ва қардош адабиётлар 191
М. Абдураҳмонова. Замон тароналари васфи 194

САНЪАТ

Ҳ. Акбаров. Чингиз Айтматов ва кино . 197

ПУБЛИЦИСТИКА

В. Зоҳидов. У ерда ҳамиша баҳор . . 201

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

О. Ёқубов, У. Норматов. Роман табиати: талаб ва имкониятлар 208
О. Абдуллаев. Танқидчиликдаги нур ва соялар 216
М. Қўшжонов. Адабиёт ҳаёт қиёсида . . 222

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

А. Асилов. Шоир Сидқий Хондайлиқий ҳаётидан лавҳалар 229

ТАҚРИЗЛАР

А. Қулжонов, Ғ. Ғафуров. Маҳорат йўлида . 234
У. Ўтаев. Танқид ҳақида китоб 236

ЙИЛЛАР, ФАКТЛАР, ВОҚЕАЛАР

С. Ёқубов. Адабий алоқалар 238

www.ziyouz.com kutubxonasi

АДАБИЁТ ҲАЁТ ҚИЁСИДА

Совет халқи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини катта ғалабалар билан якунлади. Беш йилликнинг бултурги зарбдор санаси фақат ишлаб чиқаришдаги ютуқларгина эмас, балки халқ маданияти ривожида, хусусан адабиёт ва санъат тараққиётида юксалишлар йили бўлди. Санъаткорларимиз халқ ҳаётини яна ҳам чуқурроқ ва кўламлироқ, фаолроқ ўзлаштирадиган бўлишди. Натижада ғоявий жиҳатдан баркамол, бадиий жиҳатдан янада юксак асарлар юзага келди. Бу хилдаги асарлари билан ёзувчи ва санъаткорларимиз кенг китобхонлар ва томошабинлар руҳий оламига таъсир ўтказиб, жамиятимиз тараққиётига ўзларининг граждалик ҳиссаларини қўшаётирлар. Партиямиз эса ўз қарорлари, кўрсатмалари билан ёзувчи ва санъаткорларимизга раҳнамолик қилиб, уларни янги-янги ижодий чўққиларга чорламоқда. Жумладан, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари материаллари барча ижодкорлар — ёзувчи, санъаткор, олимлар учун ўз қарашлари, ижодий принциплари хусусида тузукроқ ўйлаб кўришда, ҳаётий хулосалар чиқариб, ўз ишларини қайта қуришда муҳим бир омил бўлди.

Бу галги партия қарорлари хусусида ўйлаб, ўтган йили ёз ойларида Фарғона водийсига қилган сафаримга ва азамат пахтакор, чорвадор, боғдор қаҳрамонлар билан учрашувимни, бу учрашувлардаги жонли фикр олишув ва унутилмас таассуротларимни эслайман. Бу учрашувлар ҳар галгидек менга адабиёт билан ҳаётни бир карра қиёс қилиб кўришга имкон берди.

Машина даралардан дараларга ўтиб, гоҳ асфальт, гоҳ энди ғилдирак изи тушаётган янги йўлларни босиб олға елмоқда. Яқинда ташкил топган Поп районидаги олтита ихтисослаштирилган совхозлар бирлашмасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Аҳмаджон Одилов қўллари рулда, кўзларини узоқ-узоқ қир ва адирларга ташлаб бирлашмада қилинаётган ишлар хусусида мароқ билан ҳикоя қилади.

Аҳмаджон Одиловнинг гапларини эшитиб, бундан йигирма йил, муқаддам ўз ишлари ҳақида худди шу тарзда алоҳида ҳис ва ҳаяжон билан ўртоқлашганини эсладим. У чоғларда бу толмас йигит кичик бир колхозга эндигина раислик қила бошлаган эди. Ўшанда у қатлам-қатлам шағал қирларга самосвал машиналарда тупроқ тушириб, пахта майдонини кенгайтираётганини шавқ билан гапириб, бўлиқ пахта майдонларини кўрсатганини эслайман. Ота-боболаримизнинг хаёлига ҳам келмаган, ақл бовар қилмайдиган ишлар эди бу. Бу жонкуяр раис ўша кезлари пишиқ ғиштлардан колхозчиларга янги посёлка бунёд этаётган, 5—10 километрлик юқоридан посёлка аҳолиси учун сув қувурлари тушираётган эди. Шундан кейин мен бу серғайрат, ташаббускор раҳбарни узоқ вақтлар кўролмадим. Борган-келганлардан: «Аҳмаджон колхоз территориясидан узоқ бир жойда тоғ тепасида чорва базасини яратганмиш; Қўқон шаҳри билан Сирдарё оралиғидаги қум барханларини суриб ташлаб «Навбаҳор» номли чўлқуварлар шаҳарчасини барпо этганмиш» деган хабарларни эшитиб ва матбуот саҳифаларида ўқиб юрар эдим. Энди кўрсам бундан йигирма йил муқаддам кичкина бир колхоз майдонини кенгайтиришдан иш бошлаган бу ташаббускор вужудга келтирган иш — олтита совхозни бирлаштирадиган бошқарма, қўриқчилар макони бўлмиш «Навбаҳор» деб аталган бутун бир шаҳарча, бир район территориясига тўғри келадиган ҳар хил ихтисосдаги катта ва қудратли хўжалик...

Аҳмаджон Одиловлар мамлакатимизда битта-иккита эмас. Бу хилдаги ташаббускор, жасоратли қаҳрамонлар рўйхатини хоҳлаганча санаш мумкин. Гап уларнинг сонида эмас, албатта. Бу ўринда гап Аҳмаджон типидаги қаҳрамонлар адабиётимизда қай даражада ва қай тарзда акс этишида. Мен Аҳмаджон Одиловнинг бу галги суҳбатларини эшитиб, «нега ёзувчиларимиз худди мана шу Аҳмаджон тили билан асар ёзмас эканлар, нега у ишлатган ибораларни ишлатмас, унинг гапириш йўсинидан фойдаланмас эканлар; нега унинг фикр йўналишини илғаб олиш, у қилаётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлар ҳақида худди унинг ўзидек куйиб-ёниб, чуқур эҳтирос билан фикр баён қилмас эканлар», деган фикрлар бирма-бир хаёлимдан ўтаверди. Аҳмаджон ҳақида мақола ва очерклари ўқиб, у бошқараётган ишларнинг кўпчилиги, ҳатто баъзи бир майда икир-чикирларигача қамраб олинганини ҳам англаганман. Булар ичида тажрибали очеркчимиз Йўлдош Шамшаров асарлари ҳам, истеъдодли адибимиз Одил Ёқубовнинг очерклари ҳам бор. Аммо негадир улардан бироятаси, у қилаётган ишларни кўрганим, бу ишлар ҳақидаги ундан эшитганларим даражасида завқ ва шавқ уйғотмайди менда. Бунинг сабабларини ўйлайман, жавоб излайман ва шундай хулосага келаманки, назаримда баъзи очеркчи ёзувчиларимиз кўпроқ Аҳмаджон бошқараётган майда-чуйда ишлар, унинг характеридаги баъзи бир хатти-ҳаракатлар тафсилоти билан банд бўлишади-да, унинг дилидаги руҳий бўрон, кучли тўлқин, жисмига сиғмайдиган куч-қувват билан ишлари бўлмайди. Шу нарса маълум бўлаяптики, бу хилдаги кишилар образини яратганда қаҳрамон кимга қандай вазифа топширди, буйруқни ўрнига қўймаган бирор колхозчи ёки ишчига қандай танбеҳ берди, хўжалик ишларининг қайси участкасига қандай кучлар ташлади, техника воситаларидан қандай фойдаланди, қаерга нима экди, ҳосилни қанчадан олди сингари одатдаги тафсилотлар мутлақо етарли эмас. Китобхон унинг қалбини кўргиси, ички дунёси билан тўла танишгиси, юрагидаги жасорат тўлқинларидан таъсирлангиси келади. Айтишлари мумкин: «Ҳа, бу гаплар айтишга осон». Тўғри! Аммо буни бажариш керак. Бирор масаланинг оғирлигини ҳисобга олиб бевосита ҳал қилишга уринмасдан, ҳадеб унинг атрофида айлана бериш кутилган натижани бермайди-ку ахир. Шу муносабат билан мен Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» асарини эсламоқчиман. Унда одамни ҳайратга соладиган қатор ҳаёт қаҳрамонлари образи яратилган. Хусусан ўз тақдирлари билан китобхонлар тасаввурини ҳайратга соладиган, ўзининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони эканини яширган ҳолда қўриққа келиб ўз вазифасини адо этаётган чоғда трактори билан муз тагига чўкиб ҳалок бўлган Дониел Потопович Нестеренко, Улуғ Ватан урушида икки оёқдан ажралиб келиб қўриқ очиш ишида Мересьев жасоратини такрорлаган ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Иван Иванович Иванов билан Леонид Михайлович Картузовлар жасоратлари том-том асарларга арзимайдими? Ўзўзидан савол туғилади. Ёзувчиларимиз нега Леонид Ильичнинг «Қўриқ» асари яратилгунча ҳаётнинг бу ҳақиқий қаҳрамонлари ҳақида асар ёзиб, уларнинг номларини элларга достон қилиб юборишмади эканлар? Эҳтимол нималардир қилингандир. Агар ёзилган бўлса, нега биз танқидчи ва адабиётшунослар бу хилдаги асарларни кенгроқ тарғиб қилмадик экан?

Ҳаёт қаҳрамонларининг жонли образларини тасаввуримизда тутиб адабиётимизда яратилган баъзи бир асарларга назар ташласак, қизиқарли фикр ва мулоҳазалар туғилади. Ҳатто бутун адабий жамоатчилик, танқидчи ва адабиётшунослар томонидан қизғин кутиб олинган, китобхонлар олқишига сазовор бўлган асарлар ҳақида ҳам ҳар хил ўйлар пайдо бўлади.

Ҳозир Одил Ёқубовнинг «Диёнат» номли романи ўзбек китобхонлари орасида кенг тарқалди. Танқидчи ва адабиётшунослар у ҳақда қатор мақолалар ёзишди. Биз ҳам бу асарни ўзбек халқи, хусусан бугунги кундаги ўзбек қишлоғи ҳаётини акс эттирувчи энг яхши романлардан бири деган фикрларни республика матбуотидагина эмас, марказий матбуотда ҳам бир неча бор айтдик. Аммо баъзи ўртоқлар бу романнинг ёзилишида Одил Ёқубов Аҳмаджон Одилов ҳаёти-фаолиятидан фойдаланган, деган тахминларни у ер-бу ерда айтиб юришибди. Тўғрисини айтиш керак, Одил Ёқубов мазкур романида Аҳмаджон Одилов типидаги ҳаётнинг олдинги сафида турган бир раҳбарнинг қалбига қўл солиб кўрди. Ўз хизматлари билан катта ҳурмат, беқиёс эътибор қозонган қаҳрамонда пайдо бўлган «ғурур касаллиги» ва бунинг натижасида характерида вужудга келган баъзи бир чигалликлар, умуминсоний ахлоқ нормаларидан чиқиб кетиш каби нуқсонларни китобхон кўзи олдида ёрқин гавдалантирди. Шу билан Одил Ёқубов романда ўз истеъдодига мувофиқ муҳим эстетик вазифани адо этди. Бироқ масаланинг бошқа бир томони бор. Шундай ўйлаб кўрсангиз сержасорат, серташаббус шахслар характерини яратишда Одил Ёқубов тутган бу йўл якка-ю ягона йўл эмаслиги ҳам маълум бўлади. Масалан жасорат-у, ташаббускорликларга асос бўлган шахсни улуғ ишларга чоғлаган, унинг дилини чўғлантириб кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб турган қандайдир ички ўгитлар, юксак туйғулар бўлиши керак-ку! Серташаббус ва сержасорат қаҳрамонлар хусусида асар яратиш туриб, ёзувчи ўз диққат марказини улар характеридаги мана шу томонларга қаратиб образ яратиши ҳам мумкин-ку! Ахир ёзувчи айтмоқчи бўлган драматик, керак бўлса фожиавий ҳолатларни уларнинг салбий хислатларидан эмас, балки ижобий фаолиятларидан келтириб чиқарса яна ҳам тўғрироқ ва тўлақонлироқ бўлмасмиди? Одил Ёқубов сингари истеъдод эгалари ҳаётнинг бу қирралари хусусида ҳам тузукроқ ўйлаб кўришларини истар эдик.

Фикр фикр туғдиради. Ўйлаб кўрайлик. Статистика сонларни яхши кўради. Сонлар тили билан биз бугунги кунимизни кечагидан фарқ киламиз, бу йил бултургига нисбатан мана мунча ишлар қилинди деб янгидан очилган ерларни, яратилган канал-у, тўғонларни, пайдо бўлган янги типдаги қишлоқ ва шаҳарларни саналмиз, турмуш фаровонлигини давлат хазинасига тушган миллиард-миллиард пуллар билан ўлчаймиз. Агар бир зум одам руҳи ва фаолиятини шартли равишда сонлар жадвалига солиб кўрилса, қатор тош довонлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни қесиб ўтиб, бетон ариқ ётқизиб, минг-минг гектар ерни ўзлаштириш учун Аҳмаджон Одилов юраги нормадан ортиқ қанча урди экан, мия ҳужайралари қай даражада сафарбар қилинди экан, ҳаёт дарёси қайларга чопиб бориб, қайлардан қайтган экан? Одил Ёқубов сингари адиб Аҳмаджон Одилов типидаги қаҳрамон образини ярата туриб масаланинг бу томонларига эътибор берса яхши бўлмасмиди? Балки бу саволга жавоб бериш учун бошқача образ ҳам танлансин, бошқача композициядаги роман ҳам яратилсин, лекин ёзувчиларимиз шу хилдаги образлар яратиш устида ўйласалар экан дейміз.

Гап ўз-ўзидан ижодий методимизга хос реалистик романтика масаласига ҳам бориб тақалаётир. Реал ҳаёт фактларига асосланган романтика совет адабиётининг шаклланишида озмунча хизмат қилмади. Фикримизни тасдиқлаш учун мисоллар келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, буни китобхонлар яхши биладилар. Ўзбек адабиёти тарихида ҳам Ҳамза ва Абдулла Қодирийдан бошланиб, 30—40-йилларда, Улуғ Ватан урушидан кейинги пайтларда ҳам давом этган реалистик романтикага асосланган талайгина асарлар дунёга келди. Ҳамид Олимжон яратган Зайнаб ва Омон, Ойбек яратган Ўктам ва Комила ўзларининг сержасоратлиги, серташаббуслиги билан ёшларга озмунча таъсир ўтказгани йўқ. Шу хилдаги романтика адабиётимизда ҳозир ҳам яшаб келаётир. Эҳтимол, олинган бу асарларнинг ёзилган даври билан изоҳланадиган баъзи бир камчиликлари бордир. Ҳозир ҳаётни эстетик ўзлаштириш масалалари анча олға кетиб қолди. Ёзувчиларимиз ўтмиш тажрибаларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда бугунги кун талабига мос асарлар ярата беришлари мумкин-ку!

Яна ҳаётнинг ўзига мурожаат қилайлик: бирор район, область, ёхуд республика иқтисодий ва сиёсий ишларини бошқараётган раҳбар деразасига кўз ташлаб, биз «ҳозир бу раҳбар 5—10 кишини йиғиб бирор мажлис ўтказаётган бўлса керак, ёки бир кимсани ўз олдига чақириб суҳбатлашаётган бўлса керак» деб ўтиб кета қоламиз. Бироқ бу йиғилиш ва бу суҳбатларда қай даражада жисмоний ва маънавий куч сарф бўлаётгани билан кўп ишимиз бўла бермайди.

Л. И. Брежневнинг «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари раҳбар ходим сарф қиладиган куч ва қувват ҳеч қандай сонлар йиғимига сиғишмаслигини кўрсатди. Буни фақат инсон туйғуси, ҳис-ҳаяжони кўлами билан, бошқача айтганда реал ва романтик кайфиятлар моҳияти билан ўлчаш қулайроқ бўлса керак. Бу ишни эса фақат санъаткор адо эта олади. Адабиёт ва санъатнинг қудрати ҳам мана шунда бўлса керак.

Мен бу ўринда ўзбек адабиётига мансуб бир асардаги бош қаҳрамон тасвирига фикрларингизни жалб қилмоқчиман. Гап Шароф Рашидовнинг «Голиблар» романидаги Ойқиз образи тасвирига тегишли битта манзара хусусида кетаётир.

Асар бошида мажозий маъно касб этадиган бир картина бор: «Эрталаб тоғ ва адирларга қуёш нури тараланяпти. Ҳаёт нури аввало тоғ чўққиларига, кейин адирларга етиб келади. Жонли мавжудотлардан эса қуёш нурини биринчи бўлиб юксаклик эгалари — бургутлар кўради. Улар қуёшнинг биринчи нурларида товланиб, ундан ҳаммадан олдин баҳраманд бўлганларидан ғурурланган-дек гоҳ фазога отиладилар, гоҳ эса шўнғиб ўзларини пастга отадилар-да, ўз қудратларини кўз-кўз қилгандек бўладилар».

Бу манзара роман бош қаҳрамони образи тасвирига дебоча, унинг руҳидаги куч ва қудратдан дарак, у бошқариши керак бўлган ишларга ишора. Адиб тасвирида ҳаёт бамисоли узун кечадан кейин чароғон офтоб нурига кўмилган, у тасвирламоқчи бўлган қаҳрамон эса қуёш нурини биринчи бўлиб қарши оладиган парвозга шай турган, ўзини улуғ ишга тайёрлаган бургут. Кейин бутун асар давомида, унда тасвирланган воқеалар тизмасида биз бу «бургут»нинг парвозини кўрамиз. Парвоз пайтларида ҳам эзгу ниятлар, халққа хизмат этиш, улуғ ишларга ўз ҳиссасини қўшиш кайфияти унинг руҳий дунёсига ҳоким бўлади. Ёзувчи ўз қаҳрамонини шу шаклда улуғ ишларга тайёрлигини англатмаганда эди, минг йиллаб бир маромда, аксарият пайтларда бефойда оқиб ётган Оқсой дарёси унинг иродаси олдида тиз чўкмаган, босмачилар томонидаан яксон қилинган булоқ кўзи қайта очилмаган ва ниҳоят фақат табиат эмас, балки инсон яратган қатор «бўронлар»га у бардош беролмаган бўлар эди... Шароф Рашидов бу картинада мана шу жасорат ва бардош манбаларига санъаткорона назар ташлайди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, умуман Шароф Рашидов яратган образлар ўзларида мавжуд бўлган жасоратсеварлик, ташаббускорлик, юқори идеалларга интилиш кайфиятлари билан ажралиб туради. Агар шу кайфият ҳоким бўлмаса, «Қудратли тўлқин»даги Пўлат ва Баҳорлар Тўрахонов сингари қаллоб, ўз манфаати йўлида қабиҳ ишларга қобил, пихини ёрган ҳийлакор, ўта айёр шахс тўсиқларига чидам бера олармидилар, мустақил ҳаёт томон қўйган биринчи қадамларида муваффақиятга эриша олган бўлармидилар?..

Шу бугун яратилаётган асарларга бир назар ташлаб, афсус билан шуни айтиш зарурки, биз кейинги пайтларда нимагадир бутун-бутун авлодлар руҳий оламига таъсир ўтказган Павел Власов, Павел Корчагин, Олег Кошевой сингари образларнинг яратилишидаги ҳаётий романтикадан узоқлашгандек бўлаяпмиз. Ҳатто бу улуғ образларни яратган услуб ва ифода йўлларини бадиий ижоднинг ўтмиш босқичига чиқариб қўяяпмиз. Уларни яратишдаги усуллар ва ёки ифода қилиш йўллари бугунги талабга жавоб бермайди ҳам дейлик. Нега биз азим дарёларни бўғаётган, чўлларни бўстонга айлантираётган, янги ши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нам шаҳар ва қишлоқлар яратаётган бугунги Павел Власов, бугунги Павел Корчагин, бугунги Олег Кошевойлар образини яратишдан воз кечишимиз керак? Гап санъаткорона изланишлар хусусида кетаётир. Мен бу ерда яна бир қиёсга мурожаат қилишга мажбурман. Бу галги қиёс адабиёт билан ҳаёт орасида эмас, балки адабиёт қаҳрамони билан адабиёт қаҳрамони орасидир.

Юқорида биз тилга олган Одил Ёқубовнинг «Диёнат»и ҳаёт материали ва уни талқин қилиш жиҳатидан илгари яратилган Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак», Иброҳим Раҳимнинг «Ҳилола» қиссаларига ўхшаб кетади. Уларда ҳам ғалабалардан ғурурланиб кетган раҳбарнинг драматик ҳолатлари тасвирланган эди. Бироқ Одил Ёқубов Абдулла Қаҳҳорни, ёхуд Иброҳим Раҳимни такрор қилди, деб айтиб бўлмайди. Одил Ёқубов худди шу материални аввало шу кунлар нафаси билан йўғирди, бугина эмас у воқеликни ифода қилишнинг янги йўлларини топди, яъни хронологик усулдан узоқлашиб, воқеаларни қуюқлаштириб, концентрациялаштириб, оригинал сюжет тугунлари яратди, ҳаёт материалини образларнинг руҳий ҳолатлари орқали жамлаб беришнинг ўзига хос йўлларини ихтиро қилди. Шу туфайли «Диёнат»да бизга таниш кўринган материал ва масалалар янгича маъно касб этиб, руҳимизга ўзгача таъсир қиладиган шаклда ифодаланди. Демак, бир хил типларни ҳар хил вазиятда, ҳар хил йўсинда тасвирлаб, оригинал асар яратa бериш мумкин экан. Демак, Павел Корчагин, Олег Кошевой типидаги ўз маънавий ҳаёти билан баъзи бир замондошлардан бир қадам олдинда юрадиган характерларни ҳам тасвирлаб оригинал асарлар яратa бериш мумкин экан. Бизнинг назаримизда бу ҳаёт талаби.

Романтика тарихий-инқилобий мавзуда яратилган асарларда кўпроқ кўзга ташланиши маълум. Ойбекнинг «Улуғ йўл», Ҳамид Ғуломнинг «Машъал», Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романларида реалистик романтиканинг мавжудлигига кўникиб қолганмиз. Бироқ романтиканинг турли типлари мавжудлигини ҳам унутмаслик керакка ўхшайди. Юқорида тилга олинган асарларда қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари аксарият ўринларда табиий йўсинда акс этади. Шунга кўникиб қолганликдан бўлса керак, Ҳамид Ғулом кейинги романи «Мангулик»да қаҳрамоннинг романтик кайфиятларига маҳлиё бўлиб кетади-да, ишониш қийин бўлган воқеалар яратади, шартлилик приёмларидан керагидан ортиқча фойдаланиб, баъзи жойларда тасвирнинг далил қувватини заифлаштиради. Бадиий ижодда катта тажриба орттирган адибимиз Ҳамид Ғулом ижодидаги бу ҳол афсусланарликдир.

Анъанавий усулнинг имкониятлари бениҳоя кенг ва кўламлидир. Шу сабабдан бўлса керак, Пушкиндан тортиб то шу бугунгача бу усулда ҳам ҳар бир ёзувчи ўзига хос асар яратиб, китобхонларни хушнуд қилиб келаётир. Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорнинг қарийб ҳамма машҳур асарлари шу усулда яратилгани ҳам маълум.

Бу ўринда мен яна битта қиёсга мурожаат қилмоқчиман. Ҳурматли китобхон булбул хонишини албатта кўп тинглаган. Агар уни бепарволик ва лоқайдлик билан эшитсангиз, у бир куйни ҳадеб такрор қилаётгандек кўринади. Агар эътибор бериб тингласангиз, у бетакрор наволар «ижод қилаётгани»ни англайсиз. Эҳтимол булбул ўзининг шу хилдаги «новатор»лиги билан қалбларни мафтун қилар! Шу сабабдан унинг овозини соатлаб эшитиб хаёл суриб ўтира бериш мумкин. Халқ орасида булбулга тақлид қилиб сайрайдиган қушларни «майна» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Назаримда анъанавий усул ҳам шунга ўхшайди, эплаган ёзувчи ундан нималарнидир олиб ташлаб, нималарнидир янгидан қўша олади. Шу йўл билан у китобхонга замон руҳига оид нималарнидир етказади, қандайдир ғояларни олға сура олади. Эплаб ёзган шоирлар эски ҳисобланган аруз вазнида янги гапларни айтаётганини кўриб юрибмиз-ку! Эпламаган ёзувчи топилган янги усулни ҳам ишга сола олмаслиги ва китобхон назарига тушадиган бирор асар ярата олмаслиги мумкин. Ўзбек насридаги баъзи фактларга мурожаат қилайлик:

Бундан бир неча йил муқаддам ёзувчи Ҳамид Ғулом пахтакорлар ҳақида «Бинафша атри» номли роман, Пиримқул Қодиров эса «Мерос» номли қисса эълон қилди. Услуб жиҳатидан бу икки асар ҳам шундай қараганда унча янгилик эмас. Бироқ уларнинг ҳар бирининг қандайдир ўзига хос хислатлари бор.

«Мерос»да Пиримқул Қодиров пахтачиликни ривожлантиришда ҳаётимиздаги икки жабҳа ривожини хронологик равишда, босқичма-босқич *акс* эттиради. Булардан бири оддий бир меҳнаткаш оилада туғилиб ўсган, ўз меҳнати билан халқ қаҳрамони даражасига кўтарилган шахс тарихи, иккинчиси пахтакорлар ҳаётида энг муҳим муаммо ҳисобланган пахта терим машинасининг туғилиши ва такомиллашуви масаласи. Булардан иккинчиси адабий ижод нуқтаи назаридан унча муҳим эмасдек кўринади. Бу ҳол китобхонни бир оз зериктиргандек ҳам бўлади.

Бироқ қиссада донгдор пахтакорнинг шахсий тақдири, характерининг шаклланиши билан боғланган ҳолда бу соф иқтисодий масала муҳим эстетик маъно касб этади. Бу ерда шахс тақдири билан ҳаёт проблемасининг бирлиги, яъни ёзувчи талқинидаги масаланинг долзарблиги китобхонни ўзига тортади.

Ҳамид Ғулом «Бинафша атри»да хронологик тасвир доирасида туриб асар сюжетини яратишда бошқачароқ йўл тутди. Гап шундаки, кейинги вақтларгача, адабиётимизда, хусусан миллий адабиётларда образларни ижобий ва салбий, оқ ва қорага ажратиб қўядиган схема яшаб келар эди. «Бинафша атри»да эса ёзувчи ижобий қаҳрамонлар билан салбий қаҳрамонларни икки томонга саф торттириб, улар орасиг

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги «жанг»ни томоша қилиб турмайди. Ёзувчи ўз қаҳрамонларини ҳаёт чигалликларидан олиб ўтади, унинг мураккабликларига рўпара қилади. Ўтга-сувга солиб кўради, бошқача қилиб айтганда, «синов майдони»га олиб чиққандек бўлади. Китобхон роман қаҳрамонларини мана шу «синов майдони»да ҳар томонлама, уларнинг фазилатларини ҳам, камчиликларини ҳам бир нуқтага йиғилган ҳолда кўргандек бўлади. Улар бу синовдан ҳар хил сабоқ олиб чиқадилар. Ёшлар ҳаёт ўчоғида тобланадилар.

Анъанавий усул заминида туриб қишлоқ ҳаётини ўзига хос оригиналлик билан акс эттирган Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат», Омон Мухторнинг «Йиллар шамоли» романлари хусусида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Бу ҳар иккала ёзувчининг ҳам ўзларига хос тили, воқеаларни ифода қилиш йўллари, сюжет яратишда ўзларига хос изланишлари бор. Бироқ замондошларимизнинг ички оламини акс эттиришда, уларнинг руҳий дунёсини кенг ва кўламли очиб бериш соҳасида улар ҳали изланишларни давом қилишлари керак. Ҳатто Ҳамид Ғуломнинг ҳам, синчков адибимиз Пиримқул Қодировларнинг қўлга киритган ютуқлари уларнинг яна ва яна изланишлари зарур эканини инкор қилмайди.

Адабиёт ва санъатда катта йўл, янги усул асосида асар яратиш қай даражада мушкул бўлса, ҳаммага маълум йўллардан бориб оригиналликка эришиш яна ҳам мушкулроқ. Бунинг учун маълум йўлнинг номаълум қирраларини топиш керак бўлади. Бунга эса ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди...

Энг муҳими халқ хўжалигини ривожлантириш ҳақидаги партиямизнинг июль ва декабрь Пленум қарорлари ҳаёт қўйнига яна ҳам чуқурроқ кириб боришни, ҳаётга санъаткор кўзи билан қараб долзарб масалалар юзасидан ўз ҳукмларини, дадил фикрларни айтишни талаб қилади.

Ҳаётни овечкинчасига тадқиқ қилиш, ундаги бор нуқсон ва камчиликларни дадил очиб ташлаш, шу йўл билан унинг ривожига ҳисса қўшиш санъаткорларимизнинг гражданлик бурчидир. Меҳнат тақсимоти, зарарли химикатлардан тезроқ қутулиш, ер-сув ресурсларидан унумли ва ўринли фойдаланиш, энг бебаҳо бойлик — одамни асраш, уни қадрлаш, қишлоқ аҳолисининг маданий савиясини кўтариш, коммунистик ахлоқ нормаларини тоза сақлаш — булар фақат партия ва хўжалик ходимларинигина эмас, балки ижодкорларни ҳам бирдек безовта қилиши зарур бўлган масаладир.

□

Партия XXV съездидаги Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладида социалистик ахлоқ масалаларини принципиал аспектда ва яна ҳам кенгроқ кўламда акс эттириш бадиий адабиёт олдида турган муҳим вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланди.

Умуман ҳар бир бадиий асар қандайдир даражада ахлоқ масалаларини акс эттирган бўлади. Ҳамза, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғуломнинг қайси бир асари ахлоқ муаммоларини акс эттирмаган дейиш мумкин? Бироқ шундай асарлар борки, маълум бир давр нуқтаи назаридан ахлоқ масалаларини кескинроқ қўяди, китобхон эътиборини кўпроқ жалб қилади.

Замондошларимиз ҳаётидаги ахлоқий масалаларни ўртага ташлаб, уни таҳлил қилиб бериш жиҳатидан ўтган йили «Муштум» журналида эълон қилинган Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достони характерли асарлардан биридир. Достоннинг номи диний-афсонавий жаннат билан боғлиқ бўлса ҳам, асл мазмуни билан кундалик ҳаётимизда учраб турадиган, биз кўриб, кузатиб юрган иллатлар натижасида юзага келадиган драматик ва сатирик воқеаларни акс эттиришга бағишланган.

Достонда Абдулла Орипов ахлоқ масалаларига боғлиқ ҳолда санъаткор бурчига тегишли муҳим фикрни ўртага ташлайди. Ҳаётнинг гўзал томонларини акс эттириш қалам соҳибининг биринчи даражали вазифаси. Бироқ ҳаётни тўла акс эттириш, инсон ва жамиятга хизмат қилиш учун фақат гули-рухсорларнигина тавсиф ва таърифи етмайди. Бу ҳаёт ҳақиқатининг бир томони. Ҳақиқатнинг иккинчи бир томони ҳам бор. Нур ва гули-рухсорнинг борлигини таъмин этиш, шунга монанд ҳаётни тоза сақлаш учун учраб турадиган қоронғилик, кажрафторликка қарши кескин курош эълон қилиш керак! Муаллиф асарида мана шу ҳақиқатни шартли воқеалар орқали яна бир бор таъкидлайди.

Достонда гап шу билан тамом бўлмайди. Шоир қаҳрамоннинг икки пайса савоб ахтариб аросат саҳросида кечирган саргузаштларини тасвирлайди. Бу саргузаштларнинг ҳар бир ҳалқасига ўша бош маънони очиб берадиган фикрларни сингдиради. Ота-онасини сансираб ранжитган кимса борми, ҳатто худога ҳам, тарозибонга ҳам чап бериб, тўғри беҳиштга ўтиб кетадиган учқур ва олғирлар борми; аждодларига ёдгорлик деб қабр тоши йўндириб, катта ҳарфлар билан ўз номини безатган шуҳратпарастлар борми, инсон руҳига жавобгар бўла туриб, ўзлари номус ва виждонни топтаб, руҳий мажруҳларни кўпайтирувчилар борми; ифво уруғини сепиб дилларни хун қилгувчи хасадгўйлар борми; орқа-олдига қарамасдан истеъдод-шуҳрат талашиб бир-бирларини бўғадиган беандиша ёш билан нафси бало кекса борми; ифвони ўзга касб қилиб олган, одам топилмаган пайтда ифво қилиб ўз ота-онасини бир-бирларидан ажратиб юборишга ҳам қодир, ҳатто «Одилларнинг Одили» деб тан олинмиш афсонавий тарозибон устидан ҳам ифво тарқатиб, унинг ишларини ҳам текшир-текширгача олиб борадиган юзсизлар борми — хуллас, шоир қиёмат, гуноҳ ва савоб ҳисоби, дўзах ва беҳишт воситасида реал ҳаётда учраб турадиган ахлоқсизликлар, ҳаёт иллатлари устидан ҳукм чиқаради. Достонни якунлаб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир ривоят баҳонаю, достон сўйладим,
Турли-туман тақдирларни айлаб мужассам
Одамларга ибрат бўлсин дея ўйладим,

дейди шоир.

Бу хилдаги нуқсон ва камчиликлар асарларда ҳар хил йўллар билан, баъзан сатира ва юмор билан, баъзан ижобий ҳодисаларга қиёс қилиш йўли билан фош қилинади. Бироқ Абдулла Орипов мустаҳкам позицияда туриб ҳаётимизда учраб турадиган нуқсларни драматик сатира руҳига мос равишда қуюқлаштириб, китобхон эътиборини тўла тортадиган даражага кўтара олган. Бу йўл социалистик реализм принципларига ёт йўл эмас. Яна такрор айтамизки, гап асосан, ёзувчи позициясида, ниятининг соғломлигидадир.

Яқинда Шукруллонинг «Яшагим келади» номли тўплами эълон қилинди. Унда шоирнинг «Кўнгил чироғи» поэмаси ҳам бор. Бу поэмада ахлоқ масаласи бошқачароқ йўсинда қўйилади. Унда сатира ҳам, юмор ҳам йўқ. У — соф драматик достон. Ижобий куч бошига тушган фожиа тасвиридан иборат.

Йигит Улуғ Ватан урушида кўзидан айрилиб ногирон бўлиб қайтади. Қаранг, бу драма эмас, балки фожианинг ўзи-ку. У эл-юртига яқинлашаётиб — не-не иккиланишу, не-не изтиробларни бошидан кечирмайди, дейсиз. Тенгдош, қўни-қўшнилар унга қандай муносабатда бўлади, аҳди паймон қилишган ёри уни қандай кутиб олади? Хайрият, изтироб ва иккиланишлар бекор бўлиб чиқади. Ёри аҳди паймонга вафо қилиб, уни хурсандлик билан кутиб олади, келин либосини кийишга рози бўлади. Китобхон сабр-тоқат билан ёрини кутган қизга тасаннолар айтади.

Айтишлари мумкин, худди шу мотивда, яъни қўлдан ё оёқдан, баъзан кўздан ажралиб, севикли ёрига рўпара келишни ўйлаб ҳар хил хаёлларга борган жангчи психологияси хусусида кўп асарлар ўқиганмиз, кинофильмлар кўрганмиз. Умуман, бу XX аср ҳаётига хос типик драма. Драма бўлганда ҳам инсон ҳолати, руҳий олами, одам қимматини кўрсатишга қодир драмадир. Материал жиҳатидан ҳам Шукруллонинг бу асарида анчагина янгилик бор. Гап шундаки, шу мотивдаги бошқа асарларда биз Ватан жангчисининг дастлабки кечинмаларидан хабардор бўлганмиз. Шукрулло эса воқеани бугунги кунгача олиб келади. Узоқ ўтмишда кўздан ажраган қаҳрамоннинг 20—30 йил кейинги ҳолати ва психологиясини акс эттиради.

Шукрулло қаҳрамон образини тасвирлар экан, китобхон дилини қитиқлайдиган, унинг руҳий оламига таъсир ўтказадиган йўл топади. Китобхон кўзи олдида бир-бирига зид икки ҳолат — хуш ва нохушлик намоён бўлади. Нохушлик шундаки, қаҳрамон ярим умрини борлиқни кўрмасдан ўтказади.

Ёруғ дунё ҳақида бундан йигирма йил илгариги тасаввури измида юради. Хушлик шунинг учунким, у баҳорни ҳимоя қилади, қурбонлар эвазига сақлаб қолинган ўша баҳор қайта-қайта келади. У ватандошларининг қаҳ-қаҳасини эшитади, фарзандларининг овозидан, борлигидан баҳраманд бўлади. Энг муҳими, севган ёри ҳамон у билан бирга... Шоир қаҳрамон ҳаётидаги бу зиддиятни тасвирлар экан, ҳали ҳам инсон ўзи тўла англаб олмаган муҳаббат қудратига таҳсинлар ўқийди.

Шукрулло бизга таниш бўлган, кўп асарларда тасвирланган, кинофильмларда мужассамланган ҳаёт материалининг янги қиррасини топди, ундан бугунги кунимиз талабига мос янгича маъно ва хулосалар чиқаради, шу билан замонга хизмат қилди.

Ўзбек адабиётида кейинги пайтларда пайдо бўлган яна бир драматик достон Рамз Бобожоннинг «Ҳайёмнома»сида ахлоқ масалалари халқаро воқеалар фонида акс эттирилади.

Достоннинг номига қарашингиз биланоқ Ҳайём қиёфаси, май мадҳи кўз олдингизга келгандай бўлади. Бир лаҳза «Ҳайём ҳақида гап очиб шоир нима ҳам дер эди» деган фикр хаёлдан ўтади. Аслида гап на Ҳайёмнинг майхўрлигида ва на муаллиф айтмоқчи «қадим шеъриятнинг қалби»да. Гап шу бугунги куннинг мураккаб ва чигал масала ва воқеаларини акс эттиришда.

Асарга асос қилиб олинган воқеа шарқ мамлакатларидан бирида рўй беради. Бу бир-бирига кўнгил қўйган ошиқ-маъшуқ, икки ёш муҳаббатининг фожиаси. Асарни ўқиб ўйга ботамиз.

«Замонамиз муҳаббат замони» деган гапларни кўп эшитганмиз. Муҳаббат, бу— шахс ихтиёри, руҳий эрк, икки кишининг аҳди паймонига тегишли гап. «Ҳайёмнома»ни ўқиб, бугун дунёнинг кўпгина бурчакларида инсон эрки, ҳатто ҳаммага баробар бўлиб кўринган муҳаббат ҳуқуқи ҳар қадамда поймол қилинаётганини англаймиз. Одатдагидек, бу ишларга «Шарққа маданият уруғини тарқатяпмиз», деб даъво қилувчи ғарб бузғунчилари бошчилик қилаётирлар. Тўғри, асар конфликти негизи — май — сармастлик билан боғлиқ. Оддий меҳнаткаш йигит ота касбини давом эттириб, ток экиб ҳосил олибди, ўзига ўхшаган меҳнаткаш қизга кўнгил қўйиб, унинг ишқида сармаст бўлибди. Капитал дунёси эса ҳар хил сохта сабаблар топиб, «йигит соҳибкор, демак у майфуруш» деган даъво билан унинг эркига хуруж қилибди. Воқеа ўз мантиқи билан ривожда — аввало тутқун, кейин, тафтиш, ҳушёрхона, қамоқ, токзорга ўт қўйиш, оқибат маълум — севишганларни бир-биридан ажратиш... йигит — ошиқ аламда, қиз — маъшуқа руҳий мажруҳликда. Мана — достоннинг қисқача мазмуни.

Шундай қарасангиз, асардаги конфликт асоссиздек ҳам кўринади. Наҳотки, ҳақ-ҳуқуқ, эрк-ихтиёр ҳақида оғизга сиққанча сўз ва иборалар ишлатиб, дунёга жар солиб турган бир замонда майга сармаст гумон қилиниб, инсон ҳуқуқининг оддий бир кўриниши — ишқ ва муҳаббат тақиқ қилинса! Не-не умидлар билан икки ёш аҳди

www.ziyouz.com kutubxonasi

паймон қилишса-ю, бутунлай эркинликдан маҳрум бўлишса! Ҳа, ҳақиқатан ҳам ишониш қийин бўлган ҳол!

Чунки бугун капитал дунёсида бирор киши жосусликда айбланиб сўроқ ва қамоқ қилинса, бунга биз кўпам ажабланавермаймиз. Бироқ май ва муҳаббат важ қилиниб, инсонни ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум қилишса, бунга сўзсиз ҳам ажабланамиз, ҳам ғазабланамиз. Капитал дунёсига хос драмалар, воқеалар яратадиган ҳолатлар, зиддиятлар достонда ўз аксини топган. «Ҳайёмнома»нинг асосий маъноси мана шунда. Рамз Бобожон капитал дунёсининг шу хусусиятидан келиб чиқадиган фожиани қаламга олибди.

Достон сюжети капитал дунёси учун характерли ҳолатлар асосида ривожланади. Шоир воқеаларни батартиб тасвирлашга берилиб кетмайди. Тугал маъноли тафсилотларга ўрин ажратмайди.

Бу уч достон социалистик ахлоқ принциплари бугунги адабиётимизнинг бош масалаларидан бири бўлиб қолгани ва бу масалани таҳлил қилишда шоир ва ёзувчиларнинг турли йўл ва ифода усулларини излаётганлигини кўрамиз. Бу изланишлар беҳуда кетиши мумкин эмас, албатта. Аммо баъзан шундай асарлар пайдо бўладики, улар биринчи қарашда муҳим ахлоқий масалаларга бағишлангандай туюлади, бироқ таҳлил қилиб кўрсангиз, муаллифлар масалага юзаки ёндошгани маълум бўлиб қолади. Ёш ёзувчиларимиздан Саъдулла Сиёев «Манзил яқин» номли қисса эълон қилди. («Шарқ юлдузи», 1978 йил, 5-сон). Бироқ очерк ва ҳикоялари билан китобхон муҳаббатини қозонган бу ёш автор мазкур қиссада катта муваффақиятлар қозона олмади. Асар тил ва ифода жиҳатидан анча пишиқ ишланган бўлса ҳам, ҳаёт масалаларини акс эттиришда етарли теранликка эриша олмади. Автор муҳим ижтимоий кўламдаги ахлоқ масалаларини асар марказига чиқариш ўрнига қишлоқ мактабларида ўқиш сифатини кўтариш, никоҳ уйи қурилишининг суст бориши, тракторларга йўлнинг яхши-ёмонига қараб ҳақ тўланмаслиги, битта қиз устида иккита йигитнинг талашишлари сингари майда масалаларни қориштириб юборганки, улар фонида ярқ этиб кўзга ташланадиган бирор образ ажралиб турмайди. Ёш авторлардан бири Озод Авлиёқулов эса «Тўй» («Шарқ юлдузи» 1978 йил, 5-сон) номли бутун бир ҳикояни янги тўйнинг афзаллиги-ю, кексаларнинг ҳали ҳам эски тўй тарафдори эканига бағишлайди. Ҳатто шу муносабат билан турмушга чиқаётган қизнинг бир ойдан кейин кўзи ёриши керак эканини ижобий факт сифатида қайд этиб ўтишни лозим кўради.

Шундай қилиб, баъзи бир ёш авторларимиз, ҳаётнинг долзарб масалаларини таҳлил қилиш, замона ахлоқи масалаларини теран ва чуқур, ярқ этиб кўзга ташланадиган тарзда акс эттириш ўрнига кундалик ҳаётда учраб турадиган майда икирчикир масалалар билан банд бўладилар. Бу йўл билан китобхон дилига йўл топиш мумкин эмаслиги маълум.

□

Бугунги адабиётимиз ҳақида гап кетар экан, жанрий изланишлар масаласига ҳам тўхтаб ўтиш керак. Маълум бир ҳаётий масала ҳақида бутун бир қисса ёки роман битиш, ёхуд муҳим бир иқтисодий-сиёсий ёки ишлаб чиқаришга тегишли муаммони марказга олиб асарни истаганча шишира бериш ҳам яхши натижа бермайди. Ҳаётда ҳар хил масалалар кўп. Масалан, Ўзбекистон хўжалиги тақдири учун Орол денгизи сувининг камайиб бориши, шу муносабат билан Ўрта Осиёда иқлимнинг ўзгариши, бундан қутулиш йўлларини излаш; яна ҳам унумлироқ хизмат қиладиган пахта териш машинасини ихтиро қилиш, пахтанинг эртапишар ва касалликларга чидамли навларини топиш ва ҳоказо ва ҳоказо... Бордию, бу масалалар тасвирланаётган характерлар ва шахслар тақдири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ бўлиб, асар сюжетининг ажралмас қисмига айланган бўлса шу муносабат билан бирор муҳим ахлоқий масала ўртага қўйилган бўлса-ку, хўп яхши — борди-ю, бу хилдаги боғланиш бўлмаса-чи? Бундай ҳолларда муҳим бўлиб кўринган ҳаётий масала ўз аҳамиятини йўқотади. Асар учун сунъий равишда ёпиштирилган, хом материал сифатида қолиб кетади. Шундай пайтларда китобхонни зериктирадиган, унинг дидини ишдан чиқарадиган саёз асарлар пайдо бўлади. Бунинг ўрнига масалани яхши ўрганиб, унинг моҳиятига етиб, ёзувчилик тадқиқоти, адиблик санъати билан битилган публицистик мақола ёки очерк афзал эмасми?

Биз мақоламизни бекорга замонамиз қаҳрамонларидан бири бўлмиш Аҳмаджон Одилов ишларидан бошламадик. У амалга оширган ишларига, қўлга киритган ютуқларига ўз салафлари иш усулига фақат ниманидир қўшиб, ёки нималарнидир олиб ташлаш йўли билан эришаётгани йўқ. У ўз ишининг катта новатори сифатида, хўжалик ишларини ўзига хос усулда, ўзига хос методлар билан бошқариш асосида режаларини ҳаётга татбиқ этмоқда. Ҳар бир қиёснинг маълум камчиликлари бўлади. Хўжалик раҳбари ишлари билан санъаткор ишларини қиёс қилиш ҳам албатта тўғри эмас. Бироқ ҳаётимизда янгича суръат, ҳар соҳада амалга оширилаётган янгича қараш, янги ихтиролар адабиётимиз ва санъатимизда ҳам янгича ихтироларни талаб қилади. Халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети июль ва декабрь Пленумларининг қиммати ҳам шундаки, улар фақат халқ хўжалиги ходимларини эмас, балки бутун халқни, шу жумладан адабиёт ва санъат ходимларини ҳам янги-янги ғалабаларга, новаторликка чорлайди.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi